



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2020 -yil 4 - dekabr

214 -son

Bog‘ot shaharchasi

Боғот тумани ҳокимининг 2020 йил 31 октябрдаги 2339қ-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида

Боғот туман “Оқтепа” маҳалласида яшовчи фуқаро Жуманиёзова Фазилатнинг туман ҳокимининг 2020 йил 31 октябрдаги 2339қ-сонли қарорига тегишли ўзгартириш киритиб берилишини сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 18 декабрдаги ШЯ-Ж-3544-сонли аризасини ҳамда Боғот туман ҳокимининг 2020 йил 31 октябрдаги 2339қ-сонли қарорини, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани ҳокимининг 2020 йил 31 октябрдаги 2339қ-сонли қарорининг биринчи бандига қуйидагича ўзгартириш киритилсин;
- ушбу қарордаги “Кўп қаватли турар жой” сўзлари “жами 5 қаватдан иборат, 1 қаватида Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 2, 3, 4 ва 5-қаватлари Кўп қаватли турар жой” деб ўқилсин.
2. Боғот тумани ҳокимининг 2020 йил 31 октябрдаги 2339қ-сонли қарорнинг бошқа бандлари ўзгаришсиз қолдирилсин.
3. Туман ҳокимлиги умумий бўлими (Х.Болтаев)га мазкур қарорнинг нусхаларини тегишли ташкилотларга ва фуқаро Жуманиёзова Фазилатга етказилишини таъминлаш ҳамда ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2020 йил октябрь ойида қабул қилинган қарорлар тўпламига белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**

Ш.Яхшибаев